



The institutional basis for the organization of implementation of legal acts: current condition and prospects for improvement

Mirzakhid YAKUBOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2024
Received in revised form
15 April 2024
Accepted 25 April 2023
Available online
25 May 2024

Keywords:

normative-legal act,
legal monitoring,
regulatory impact
assessment,
institutional basis,
dissemination of a
normative-legal act,
state control,
legal consciousness,
legal culture.

ABSTRACT

The article analyzes the institutional and legal basis for the implementation of adopted normative-legal acts, including the legal nature and features of the institution of legal monitoring and regulatory impact assessment. The article develops proposals for effective legal regulation and further improvement of the institutional basis of this sphere.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss4/S-pp21-28>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этишнинг институционал асослари: амалдаги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

норматив-ҳуқуқий
ҳужжат,
ҳуқуқий мониторинг,
тартибга солиш
таъсирини баҳолаш,
институционал асослар,
норматив-ҳуқуқий
ҳужжатни тарқатиш,
давлат назорати,
ҳуқуқий онг,
ҳуқуқий маданият.

Мақолада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишнинг институционал ва ҳуқуқий асослари, шу жумладан, ҳуқуқий мониторинг ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг юридик табиати ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Мақолада ушбу соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва институционал асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

¹ Master of Laws, Independent Researcher, Tashkent State University of Law.

Институциональные основы организации исполнения нормативно-правовых актов: современное состояние и перспективы совершенствования

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

нормативно-правовой акт, правовой мониторинг, оценка регуляторного воздействия, институциональные основы, распространение нормативно-правового акта, государственный контроль, правосознание, правовая культура.

В статье анализируются институционально-правовые основы исполнения нормативно-правовых актов, в том числе правовая природа и особенности института правового мониторинга и оценки регуляторного воздействия. В статье разработаны предложения по эффективному правовому регулированию и дальнейшему совершенствованию институциональных основ данной сферы.

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлами ошди.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан бир қаторда унинг ижросини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси таъминланмас экан, унинг қабул қилиниши ижтимоий муносабатларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Натижада норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва умуман давлат ҳокимиятининг аҳоли ўртасидаги обрўсизланиши рўй беради.

Бу борада мутахассислар таъкидлаганидек, “ижро қилинмаган қонун, қабул қилинмаган қонундан зарарлироқ ҳисобланади. Чунки ҳар қанча долзарб қонун, фармонлар ва қарорлар қабул қилинмасин, улар ўз вақтида ижро қилинмаса аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш бўйича ислоҳотлар самарасизлигича қолиб кетади. Бу эса, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни шубҳа остига қўяди” [1].

Ҳақиқаттан ҳам, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали давлат жамиятнинг барча аъзолари учун умумий бўлган “ўйин қоидалари”ни белгилаб беради, унинг ижро этилмаслиги эса, давлат учун жиддий салбий иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа оқибатларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан барча давлатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилади. Мамлакатимизда ҳам “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг [2] 7-бобида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш” масаласи тартибга солинган.

Шу маънода норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишда унинг институционал асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик ҳужжатлари таҳлили мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш тизимининг институционал асослари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш имконини бермоқда:

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича масъул вазирлик ва идоралар тизими мавжудлиги.

Хусусан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар белгилаб қўйилган.

Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди. Вазирликлар ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари эса ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этадилар ҳамда таъминлайдилар.

Мазкур Қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлашга доир Вазирлар Маҳкамасининг 4 та, Адлия вазирлигининг 5 та, вазирлик ва идораларнинг 6 та, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 5 та ваколатлари белгилаб берилган.

Шу билан бирга, ушбу тизим ҳам муайян камчиликлардан холи эмас. Бу борада ҳужжатларда белгиланган ва тегишли вазирлик, идора фаолиятига тааллуқли бўлган янги тартиб-таомилларни ходимларга етказиш ҳамда уларнинг бу борадаги билимини баҳолаш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу айниқса, аҳоли билан мулоқот қилиш, фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган давлат хизматчиларга биринчи навбатда тегишли бўлиши керак. Башарти, бундай давлат хизматчилари ўз фаолиятларига бевосита тааллуқли бўлган қонунчиликдаги янгиликларни билмасалар, тегишли ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ эта олмайдилар ва бунинг натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат ижро этилмай қолади.

Шу боис ҳам ҳар бир янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайси давлат органи, унинг қайси таркибий ва ҳудудий бўлинмаси томонидан ҳаётга татбиқ этилишини аниқлаш ва уларни маълум муддат (янгиликни қўллаш мураккаблигига қараб бир ойгача муддат) ўқитиш ва шундан сўнг у бўйича имтиҳон топшириш ва ундан ўтгандан сўнггина ишни давом эттириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддатини ҳам қабул қилинган санадан эмас, балки ундан маълум муддат ўтгач белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида ҳуқуқий мониторинг тизими амал қилмоқда.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозим (42-модда).

“Ҳуқуқий мониторинг узвий жараён бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш жараёнидан тортиб, унинг ижросигача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий мониторингни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси босқичида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур” [3].

Ушбу институтни амалга ошириш тартиб-таомиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда [4] белгилаб берилган.

Ҳуқуқий мониторинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг ягона амалиётини жорий этиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизион нормаларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳуқуқий мониторинг объекти ҳисобланади. Ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади ҳамда ҳуқуқий мониторингни ўтказиш бўйича давлат бошқаруви органлари фаолияти Адлия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

Ҳуқуқий мониторинг ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари таклифларини умумлаштириш асосида ишлаб чиқиладиган (ҳар йили 20 февралга қадар) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган (ҳар йили 20 мартга қадар) режа асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан 4 та босқичда ўтказилади: 1) ҳуқуқий мониторинг объектига оид маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш; 2) таҳлилий маълумотнома тайёрлаш; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда уларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; 4) ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотнома ва таклифларни Адлия вазирлигига тақдим қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш даврида ёки якунида давлат бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини текшириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан қўшимча ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши мумкин. Адлия вазирлиги ҳар чоракда давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши аҳволини таҳлил қилади, натижалари бўйича зарур ҳолларда, ҳуқуқий мониторингни сифатли ва тўлиқ ўтказиш бўйича давлат бошқаруви органларига тегишли маслаҳатлар бериши ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа чораларни амалга ошириши мумкин.

Шу билан бирга мазкур тизим ҳам яна такомиллаштирилиши лозим, хусусан, авваламбор, мутахассисларнинг “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишнинг методикасини ишлаб чиқиш” [3] тўғрисидаги таклифи ўринли деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга ҳуқуқий мониторингни ўтказиш жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, мониторинг қилишда жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини олиш ва уларни ҳам мониторинг натижаларида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, мамлакатимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий этилган.

“Тартибга солиш таъсирини баҳолаш – тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасига тушадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жорий этилаётган давлат томонидан тартибга солишнинг янги ёки мавжуд усул ва воситалари

орқали юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни, шу жумладан, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат бюджети учун фойда ва харажатларни таҳлил қилиш, ижтимоий ва иқтисодий соҳага таъсири баҳолаш ҳамда тартибга солишнинг самарали ёки муқобил воситасиларини аниқлашни назарда тутадиган махсус тартиб-таомил” [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПҚ–5025-сон қарори [6] билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими, объектлари ва босқичлари батафсил тартибга солинди.

Хусусан, мазкур қарор билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомдга мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мажбурий тарзда тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқувчи ёки тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили 20 мартга қадар тасдиқланадиган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарори ижроси доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги (ҳуқуқий мониторинг) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш билан бирга амалга оширилади ва унинг натижалари тартибга солиш таъсирини баҳолашда инобатга олинади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–75-сон қарорида [7] қонун кучга кирган кундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари томонидан қонуннинг самарадорлигини, мақсади ва кутилган натижаларига эришилганлигини аниқлаш учун унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этилди. Бу ҳам шубҳасиз қонунларнинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш, бу борада қонунлар ижросига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқатиш ва ижрочиларига етказиш тизими йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–443-сон Қонуни [8] билан Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган ва унинг ушбу соҳадаги 15 та ваколати назарда тутилган.

Хусусан, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилинишини амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини (lex.uz) шакллантиради ҳамда юритади, ундан жисмоний ва юридик шахсларнинг белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни, бу фаолиятга услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уни назорат қилишни амалга оширади ва бошқалар.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш, уларни расмий ва норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш каби 5 та усулда амалга оширилиши мумкин.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш масаласи ҳам тартибга солинган. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлар ўз фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтиради. Бунда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар ушбу органлар ва ташкилотларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари учун мажбурий кучга эга.

Бироқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларни тайёрлаш методикаси ишлаб чиқилмаган бўлиб, бундай тушунтиришлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунини бузиб талқин қилиш имкониятини бермаслиги, уни қўллашда инсон ҳуқуқлари асоссиз чекланишига ёки камситилишига сабаб бўлмаслиги ҳақидаги қоидалар белгиланмаган. Фикримизча, бундай тушунтиришлар бўйича давлат органи юридик хизматининг ҳулосаси, қонун ҳужжатлари бўйича эса, Адлия вазирлигининг ҳулосаси ҳам олиниши талабини “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қонунларнинг ҳуқуқни қўлловчиларга ва аҳолига тушунтириш бўйича ишлар ҳолатини ҳам такомиллаштириш лозим. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-75-сон қарорида қонунларнинг ҳуқуқни қўлловчиларга ва аҳолига тушунтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш вазифаси юклатилганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди. Ушбу тизимни ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш, шу жумладан, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тегишли аудиторияларга (ёшлар, тадбиркорлар, давлат хизматчилари ва б.) мўлжалланган ҳолда тарқатиш, давлат органларига мурожаат қилганда, уларнинг ҳамда давлат органларининг ушбу масала бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган тарқатма материаллар бериш, уларни ушбу ташкилотлар веб-сайтларида ҳам жойлаштириш каби янгича усулларни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан давлат назорати тизими йўлга қўйилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарори билан қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг “вазирлик, идора, маҳаллий ҳокимият органлари – Адлия вазирлиги – Вазирлар Маҳкамаси – Ҳисоб палатаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси”дан иборат таъсирчан тизими яратилди.

Олтинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарали ижро этилишининг муҳим институционал асоси бу ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлиги ҳисобланади.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–5618-сон Фармони [9] билан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди ва унинг зиммасига ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди.

Шунингдек, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг ишини ташкил этади. Ваҳоланки, мазкур кенгаш фаолиятини тартибга солиш бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги 175-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ҳукуматнинг 2019 йил

23 февралдаги 161-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда мазкур кенгаш ўз фаолиятини тугатганлигини инобатга олиб, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунни ҳам такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ижро интизоми – ҳар қандай давлат органлари ва ташкилотларнинг иш самарадорлигини таъминловчи энг муҳим ҳамда асосий фаолият кўрсаткичларидан биридир. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат органлари ва ташкилотларнинг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сайидов Р. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳуқуқий мониторинг қилишни такомиллаштириш масалалари // Жамият ва инновациялар. – Общество и инновации. – Society and innovations. – 2021. – №1. – Б.131.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон.

3. Сайидов Р. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳуқуқий мониторинг қилишни такомиллаштириш масалалари // Жамият ва инновациялар. – Общество и инновации. – Society and innovations. – 2021. – №1. – Б.131.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 07/19/4505/3987-сон.

5. Рузиев А.И. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш: назария ва амалиёт масалалари: Юрид. фан. фал. фан. докт. (PhD) ... дисс. – Тошкент: ТДИУ, 2022. – Б.36.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2021 й., 07/21/5025/0208-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-75-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.02.2024 й., 07/24/75/0137-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрдаги “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-443-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.